



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2008-yil • 10-aprel • Payshanba • 47 (27.852) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Shu aziz Vatan — barchamizniki

Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ва бутун Ўрта Осиё минтақасида энг нуфузли ва етакчи олий ўқув юртиларидан бири бўлган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ёшларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, юртимиз илм-фани ва маданияти, замонавий таълим тизимини ривожлантириш, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш, йигит-қизларимизни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги бекиёс ўрни ва улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда ушбу билим даргоҳи ташкил этилганининг 90 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Фанлар академиясининг 2008 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ҳафта муддат ичида ушбу санага бағишланган тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ҳамда уларнинг «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ўтказилишга алоҳида эътибор қаратсин.

2008 йилнинг август ойида «Мамлакатимиз олий таълим тизими ва илм-фани ривожига Ўзбекистон Миллий университетининг роли» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказишни юқори савияда ташкил этсин.

2008 йил сентябрь ойида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси стадионида «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» шиори остида мамлакатимиз олий ўқув юртилари талабаларининг фестивалини ташкил этишни таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Миллий университети мажмуаси ҳудудида байрам олдидан кенг қўламдаги қурилиш ва реконструкция, таъмирлаш ишлари олиб бориш, ўқув бинолари, талабаларнинг турар-жойлари ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини ҳар томонлама обод қилиш бўйича тайёргарлик ишларини амалга ошириш топширилсин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокмпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур санани ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов зиммасига юкласин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2008 йил 9 апрель



Ўзбекистон халқ ёзувчиси, халқаро Амир Темури жамғармаси раиси Муҳаммад Али, Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Дилором Юсупова, Ўзбекистон ёшларининг «Қамолат» ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши маданият ва маънавий-маърифий ишлар бўлими мудири Раҳматулла Ғойибназаров, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тойир Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз маъ-

навияти асосларини мустаҳкамлаш, миллий-маърифий қадриятларимизни, улуғ аждодларимизнинг номларини тиклаш, ибратли ҳаёти ва фаолиятини кенг ва атрафлича ўрганиш, тадқиқ этиш, бой маънавий меросидан барчани, айниқса, ёшларни баҳраманд этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг самараларини бераётганини таъкидладилар.

Соҳибқирон бобомиз улуғлаган ва ўзининг доимий шioriга айлантирган эзгулик, ҳамжиҳатлик, қатъият, бунёдкорлик, огоҳлик ва

СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда Амир Темури таваллудининг 672 йиллиги кенг нишонланмоқда. Пойтахтимиздаги Соҳибқирон номидаги хиёбонда шу қутлуғ сана муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимиздаги хорижий дипломатик корпус вакиллари, шоир ва ёзувчилар, олимлар, талаба-ёшлар иштирок этди.



хушёрлик тамойиллари бугунги кунда ҳам мустақил Ватанимиз маънавий ҳаётининг асосий мезонига айланган. Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган Ёшлар йилида ҳам ёш авлод келажаги ва қамолоти йўлида ҳамхўрлик кўрсатиш, уларни буюк аждодларимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашдек эзгу ишларда, жамиятимиз ҳаётининг барча жаҳаларида амалга оширилаётган изчил ишхотларда бу

жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топаётди.

Темури таърифлар ҳаёти, фаолияти, маънавий мероси, жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрни ва аҳамияти дунё олимлари томонидан кенг ўрганилмоқда. Бу Амир Темури юлларининг нечоғли ҳаёбахш ва долзарб экани баробарида Ватанимиз тарихи, маънавиятимизга бўлган қизиқишнинг халқаро миқёсда ортиб бораёт-

ганидан далолат беради.

Тадбир қатнашчилари Амир Темури ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Назokat УСМОНОВА,

ЎЗА мухбири

Суратларда: тадбирдан лавҳалар. Р.ШАҒАЕВ (ЎЗА) олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ҚАРОР ТОПИШНИ ИСТАЙДИ

BBC Monitoring (Буюк Британия) ўзининг веб-сайтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Бухарест саммитида сўзлаган нутқиға бағишланган мақолани жойлаштирди.

Унда, жумладан, «Афғонистонда салкам 30 йил давом этаётган фожиали вазиятдан Ўзбекистон ташвишда эканлиги» таъкидланган. «Ўзбекистон давлати ва халқи Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишини, жафокаш афғон халқи тинч-осойишта ҳаёт кечирishi, бу мамлакатни барча этник гуруҳлар манфаатларини ифодалайдиган ҳамда диний, миллий-этник, ижтимоий-сиёсий тотувлиқни таъминлай оладиган куч бошқарилишни жуда хоҳлайди».

Мақолада ёзилишича, «Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган пайтдан бошлаб, Афғонистондаги вазиятни баҳолаш, юзага келган муаммоларни ҳал этишга кўмак кўрсатиш бўйича саъй-ҳаракатларни, шунингдек, тинчлик ва осойишталиқни қарор топтириш юзасидан аниқ таклифларни илгари суриб келмоқда. Расмий Тошкент томонидан Афғонистонга нечоғли эътибор қаратилаётгани Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Афғонистон муаммоси борасидаги нутқ, интервью ва ташаббусларида ўзининг яққол ифодасини топади».

Президент Ислам Каримовнинг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Бухарестда ўтган саммитида иштирок этгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида қўллаб-давлатлар бошқиларининг эътиборини Афғонистондаги вазиятга иккунчи таъсир кўрсатиши мумкин бўлган чора-тадбирларга қаратди. «Бунда энг асосий вазифа — аҳолининг халқаро қўлаб-қўллашга ишончини қозониш. Бунинг учун улар, аввало, афғон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш, ҳам сонли миллатлар манфаатларини эътиборга олиш зарур. Акс ҳолда ушбу мамлакатда тинчлик ва тотувлиқни қарорлаш жуда мураккабдир».

Мақолада «Президент Ислам Каримов нафақат Афғонистон, балки бутун муслулмон оламида тоқат қилиб бўлмайдиган вазият ва кескинликка сабаб бўлаётган ислом динига нисбатан мулқоқ асосий хуруж ва бўҳтонларга йўл қўймаслиқни ғоят муҳим вазифа сифатида кўрсатиб ўтгани» алоҳида таъкидланган. «Бу масалага эътиборсизлик билан қараса, ҳар қандай куч, ҳоҳ у яққа тартибда ёки коалицион тартибда иш юритишдан қатъи назар, шак-шубҳасиз, ютказад. Шунингдек, Афғонистон халқи демократия ва бошқа номлар билан ниқобланган, ўзгаларнинг суний равишда уйлаб топилган турмуш тарзларини ҳам қабул қила олмайди».

BBC Monitoring хулосасида қайд этилишича, «ҳозир узоқда бўлса ҳам ўз манфаатини қўлаб Афғонистон ҳақида «ташвиш» тортаётган давлатлар оз эмас. Аммо Ўзбекистон ва унинг халқи асрлар мобайлида ёнма-ён яшаб, қардош ва қариндош бўлиб кетган халқнинг хонадонига, ҳеч қандай пинҳона мақсадни қўламаган ҳолда, тинчлик ва фақат тинчлик тилайди. Шунинг учун Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов илгари сурган таклифлар афғон жараҳатига малҳам бўлади, дея умид билдирмоқдалар».

(ЎЗА)

✓ 2008 йил — Ёшлар йили

Муродмирза ШАРИПОВ:

«БОРИНИ АСРАБ, ЙЎҒИНИ ЯРАТИШГА ИНТИЛАМАН»

12 ёшида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро муносабатлар факультети талабаси бўлган иқтидор ҳақида

Юртимиз фахри, келажагимиз эгалари бўлган ёшлар орасида Муродмирза Шарипов ўзининг ажойиб иқтидори билан алоҳида ажралиб туради. 12 ёшда мактабни тамомлаб талаба бўлиш ва жамиятда ўз ўрнини топишга интилиш ҳар қимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган.

— Отам шифокор, онам ўқитувчи. Ёшлигимдан китоб ўқишга қизиқганим учун уйдагилар менга 2-3 ёшдан ҳарф ўргатишган. 5 ёшда мактабга борманман. Яхши ўзлаштирган учун мени имтиҳон билан учинчи, кейин бешинчи, сўнг эса махсус ташкил этилган этинчи ва тўққизинчи синфларга ўтказишди. 10-11 синфларни Иқтисодиёт университети қoшидаги республика иқтисодиёт лицейида ўқидим. Ушанда 10 ярим ёшда эдим ва университетга киришга тайёргарлик кўриш учун шу икки синф дарсларини тўлиқ ўзлаштирдим. 12 ёшда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро муносабатлар факультетида ўқишга кирдим. 2000 йилда бакалаврни имтиёзли диплом билан тугатган...

17 ёшли Муродмирза дастлаб Мисрда, кейин эса Ташки ишлар ва ташқи алоқалар вазирлигида амалиётни ўтади. Халқаро муносабатлар бўйича магистратурани 2002 йилда тамомлаб, бир йилдан кейин «Халқаро тизимлар ва умумжаҳон тараққиётининг сиёсий



муаммолари» йўналиши бўйича аспирантурага кирди. Шу орада илмий тадқиқот олиб бorgan юрдошимиз ўтган йили Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети иқтисодшаслар кенгашида «Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда Шанхай ҳам-

Уларнинг интилиши, салоҳиятига қандай баҳо бера-сиз?

— Мени хурсанд қиладиган ҳолат, бу ёшларимизнинг яратувчанлиги ва изланишидир. Қўп давлатларда илмий конференцияларда, тадқиқот ишим баҳонада Оксфорд университетида ҳам бўлганимда турли хорижий давлатлар ёшлари билан суҳбатлашганман. Биласизми, бизнинг ёшлардек кўзи ёниб турадиган, илмга чанқоқ талабаларни кам учратдим. Менимча, бу давлатимизнинг ёшларга қаратаётган эътиборидан бўлса керак. У ёшларда талабалар ўзи ёки ҳомий ҳисобидан билим олиш, бизда эса илм олиш, ўқитиш давлат тасарруфига олиниб, талабаларнинг яхши билим олиши учун барча имкониятлар яратиб берилган. Бу ёшлар учун энг катта ғамхўрлик намунасикидир.

— Ўзингиз бу имкониятлардан қай даражада фойдаланаясиз?

— Оруларим кўп. Олдимга доим мақсад қўйиб яшайман. Мен эришган муваффақиятларга ҳар бир ёш эришиши мумкин. Ҳамма оруларим ҳали олдинда. Президентимиз айтганларидек, борини асраб, йўғини яратишга, Ватанимга муносиб фарзанд бўлишга интиламан...

Гулгун СУЛТОНОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

✓ ЎЗХДП ҳаёти

Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорат билан иш олиб бориш, бу борада самарали ва янги усуллардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратапти. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг навбатдаги плenumида ҳам шу масалага алоҳида ургу берилди. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида ушбу вазифанинг долзарблиги таъкидланди.

Пленумда республика партия ташкилоти сайланма органлари аъзолари, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, Жўқорги Кенгесдаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари, тарғиботчи-ташвиқотчилар, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари қатнашдилар.

ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШ

доимий равишда тақомиллашиб бориш керак, дея таъкидлашмоқда фаоллар

Пленумда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ижроия қўмитаси, Жўқорги Кенгесдаги ХДП фракциясининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборот, республика партия ташкилотининг 2007 йилдаги бюджети ихроси ва 2008 йил учун бюджети лойиҳаси тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

— Қайд этиш лозимки, — деди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Атаулла Асанов, — ўтган уч йил ичида партиямиз ўзининг аниқ электоратини белгилаш ва асосий дастурий мақсадларини ана шу йўналишга қаратиш борасида муайян ишларни амалга оширди. Партия ташкилотларининг электорат вакиллари билан узвий боғлиқлигини таъминловчи тизим яратилди. Жумладан, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими электорат вакиллари, партия аъзолари, фаолларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ривожлантириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш борасида муҳим ўрин тутмоқда. Қорақалпоғистонда ушбу семинарлар доирасида 820 нафардан ортиқ тингловчи қамраб олинди. Бундан ташқари, туман ва шаҳарлардаги йирик бошланғич партия ташкилотларида тахриба тарихидаги ўқув машғулотлари йўлга қўйилди.

Тимур КАМАЛОВ, Ўзбекистон ХДП Эллиққалъа туман кенгаши раиси:

— Бугун ёшлар, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий турмушдаги фаоллигини ошириш, фуқаролик позициясини шакллантириш мамлакатимиз раҳбарияти, жамиятимиз диққат марказида турган масала. Шу нуқтаи назардан доимий тизимга айлانган сиёсий ўқувларимизда «Истикбoл» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари аъзоларини кенгрок жалб қилишга эътибор қаратиш зарур.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП Чимбой туман кенгаши раиси Аманбой Сейитбеков, Кейғали туман кенгаши раиси Еркин Хожанов, Амударё туман кенгаши раиси ўринбосари Норгул Юлдашева ва бошқалар ҳам мазкур масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Елбай Бегманов, Алпийбой Ибодуллоев Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раисининг ўринбосарлари этиб сайланди.

Рейимбой ЁШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Маҳалла ва партия ташкилоти

Маҳалла идорасидаги катта сурат эътиборини тортди. Унда Юртбошимизнинг Жўраҳон Камоллов ва Йўлдош Холмовлар билан суҳбатлашиб турганлари акс этганди. Жўраҳон бобо етмиш ёшга қўйилган. Узоқ йиллар экскаватор бошқариб, Қарши даштини ўзлаштиришда иштирок этган, қурилиш ташкилотларида ишлаган. Ҳозир пенсияда бўлса-да, маҳалланинг жонқуяр маслаҳатчиси.

— Бу сурат шахримизнинг 2700 йиллик қутлуг тўйи кунда, Юртбошимиз Кўкғумбаз жомеъ масжидида амалга оширилган ободончилик ишлари билан танишганларидан олинган, — дейди у фахр билан. — Давлатимиз раҳбари биз кексалар билан дилдан суҳбатлашди. Очиғи, шахримизда қурилган кўплаб замонавий иморатлар, ободончилик у кишининг доимий эътибори туфайли. Айниқса, узоқ вақт қамқоқонага айланган Одина жомеъ масжидининг қайтадан таъмирлангани, эндиликда муқаддас қадимж бўлгани учун у кишига миннатдорчилигимизни айтдик. Кейин шахрни боғларга айлантириш ҳақидаги фикрларини билдириб, масжид ҳовлисидаги тут даракнинг ёшани сўради, уни яхшилаб парваришлар лозимлигини уқтирди. Ростки, бу туғни боболаримиз эъти қилишган, аммо ёшани билмас эканмиз. Нафақат даладарда,

балки, катта шахарлардаги ҳовлиларда ҳам мева-да-рахт, экин ўстириш кони фойда. Бугун бу тажрибаларни фарзандларимизга ўргатишимиз, турмуш файзи меҳнат туфайли эканини тушунтиришимиз лозим.

Отахон бошлаган гурунг қизиб кетди.

— Жўраҳон бобонинг гаплари ҳаётнинг ўзи, — дея

борда экан. Масалан, Анбар опа Хўжакулова ёрдам зарур бўлганда, имкон даражасида кўмак беришибди. Айниқса, Самад Шодмонов ота-онаси-дан айрилиб, тўрт нафар укаси билан қолганда, меҳрибончиликлари аямасди. Самад қосиблик хунарини эгаллабди, укалари бағрида экан. Маҳалланинг яхши ишлари тилга тушиб, халқаро

дейди Норгул Мустафоқулова. — Барча қилаётган ишларимиз шу маҳалла, одамлар учун. Шаҳар Кенгашининг 30 депутатидан 17 нафари партияимиз вакиллари. Депутатлик гуруҳимиз билан кенгашиб ишляпмиз. Масалан, 2008 йил бюджетни шакллантириладиган охириги сессиямизда маҳаллалар ривож учун кўпроқ маблағ ажратиш масаласини кўтардик. Маҳалла фаоллари бандлик муаммосини ҳал этиш бўйича ўз тақлифлари билан чиқишмоқда. Юртбошимизнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Базирилар Маҳкамаси йўналишидаги маърузасида янги иш жойлари очиб, ёшлар келажаги ҳақида ниҳоятда муҳим фикрлар айтилди. Бу — ҳаёт талаб қилаётган жиддий вазифалар. Улардан келиб чиқиб, маҳаллаларда хунармандчилигини янада ривожлантириш керак, деб ўйлайман.

Қарши шахар Чақар маҳалласи фаоллари, ЎзХДП аъзолари амалга оширадиган ишлар билан танишиб, бир нарсаси амин бўлдики — шундай жонқуяр инсонлар етакчи бўлган жойда одамларнинг турмуши фаровон, дастурхони тўкин бўлаверади.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАРОВОНЛИКНИ ЎЗИМИЗ ЯРАТАМИЗ

дейишади Қарши шаҳридаги Чақар маҳалласи ахли

суҳбатга қўшилди Зулайхо Пардаева. — Мана, мен ўттиз йилдан ошиб шахардаги ободонлаштириш ташкилотиди ишладим. Ёшлардан гулчиликка ишқини тушган. Ховлимиз 10 сотих атрофида, яхши гулхонамиз бор. Қиройли гултувакларда ўстирилган гулларни сотамиз, ҳада қиламиз. Ўтган йили 4 миллион сўмдан ошиб даромад олдик. Фарзандларим гулчи, бир қанча шоғирларим бор. Шу қабсининг орқасидан тўйлар қилаяпмиз.

Суҳбат асносида маълум бўлдики, маҳаллада ободонлаштириш масаласи ноҳор оилалардан хабар олиш, кўмак бериш ҳамиша эъти-

грантни қўлга киритибди. Ана шу икки минг долларнинг ёнига маҳалладошлар яна 400 минг сўм тўлаб, кўчаларга тунги ёриткичлар ўрнатибди. Энди тунда ҳам маҳалла ёп-ёруғ. Посбонларнинг иши ҳам анча енгил бўлди.

— Мен Дарвоза, Чақар, Насаф, Чармгар, Тутақ каби тўққизта маҳалладаги милиция таянч пунктлари иши учун масъулман, — дейди ички ишлар майори Қилич Холмаев. — Қаерда аҳиллик, хушёрлик бўлса, шу жойда осойишталик, тинчлик, меҳнатдан манфаатдорлик қарор топади. Бу жиҳатдан Чақар бошқа айрим маҳаллаларга

робжон менга маслаҳат солди. Кейин уларни новвойи, этикдўз ва темирчига шоғирд тушишга тавсия этдик. Бу хунарларнинг афзаллигини, ота-боболаримиздан мерос бўлиб авлоддан авлодга ўтиб келаётганини тушунтирдик. Ҳозир улар ҳунар ўрганишяпти. Шу тарзда тўрт ўсмирни бебошлик кўчасидан қайтариб қолдик...

Дарвоқе, Норгул Мустафоқулова халқ депутатлари Қарши шахар кенгаши депутати, Ўзбекистон ХДП фаоли, худудий партия ташкилоти раиси. Ташкилот ҳисобида ҳозир 14 нафар аъзо бор. — Мен маҳалла ёки партия иши, деб ажратмайман, —

ЎзХДП ҳамкорлигида

Оилада, ишда, спортда фаол аёллар

Хотин-қизларнинг соғлом турмуш тарзи кўнчиликлари шакллантириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, қизларга хос спорт турларини ривожлантириш мақсадида Уч-тепа туманидаги «Қўрғонтепа» спорт мажмуасида тумандаги раҳбар аёллар бўлибди спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Бу тадбир Учтепа туман ҳокимлиги, ЎзХДП туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти, Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими бўлими, Худудий тиббиёт бирлашмаси ва бошқа

жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизими, маҳалла фуқаролар йиғинлари, мактабгача таълим муассасалари ва бошқа соҳалар, қорхона, ташкилотларда меҳнат қилаётган раҳбар аёллар узунликка сарқаш, арқон тортиш, эстафета, «Қувноқ» спортлар, баскетбол, стол тенниси каби спорт турлари бўйича беллашдилар.

— Мусобақаларда аёллар ўзларини нафақат уй бекаси, фарзандлар тарбиячиси, балки жисмонан соғлом ва баркамол

эканликлари ҳам кўрсатиб келишяпти, — дейди Найман маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ХДП фаоли Олтино Кенжаева. — Бугун ҳам бир спорт соҳасидаги ўз маҳоратимизни намойиш этдик. Мусобақанинг айнан раҳбар аёллар ўртасида ўтказилишининг сабаби шундаки, бунда иштирок этган аёллар энди ҳам оила, ҳам ўзи жамоаси, маҳалла-қўйда спортни тартиб этишга самарали хизмат қилишади.

Мусобақа натижаларига қўра, халқ таълими тизими жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин тиббиёт ходимлари, учинчи ўрин мактабгача таълим муассасалари мудирларидан ташкил топган жамоага насиб этди. Ғолиблик ва иштирокчиларга ташкилотчиларнинг қimmatбоҳи ва эсдалик совғалари топширилди.

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

Фаоллар коллежда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қанотининг бир гуруҳ фаоллари пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги технология касб-хўна коллежиди бўлдилар.

Коллеж директори Т.Умаралиев меҳмонларга ўқув даргоҳи тарихи, талабаларга яратилган шароитлар, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури юзасидан амалга ошириладиган ишлар ҳақида гапириб берди. Шунингдек, коллеж ўқитувчиси С.Раимов коллеж педагогик жамоасининг Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши билан ҳамкорлиқда олиб бора-

ётган ишлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан ўтказиладиган тадбирлар, янги режа ва вазифалар, Ёшлар йилида амалга оширилиши белгиланган ишлар хусусида сўзлаб берди.

Фаол «Истиқбол»чилар коллежда талабалар учун яратилган шароитлар, ўқув, лаборатория ва компьютер хоналари билан яқиндан танишдилар. Коллеж йигит-қизлари ва «Истиқбол» ёшлар қанотининг ҳамкорлигини қулайтириш тўғрисида фикрлар алмашилди.

(Ўз мухбиримиз)



Ёш истеъдодлар маскани

Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши Ёшлар йилида навқирон авлод вакилларига кўрсатиладиган ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди.

Бу борада Фарғона вилояти Бешарик туманидаги 18-сонли болалар мусиқа мактабиди олиб бориладиган ишлар диққатга сазовордир.

Ушбу илм даргоҳида юзга яқин ўқувчи ўзбек халқ чолғу созлари, аънавий хонандалик, фортепьяно бўлимларида мусиқадан сабоқ олмақдалар. Ёш иқтидорларга 15 нафар малакали педагог жижаж, доира, рубоб каби мусиқа ас-

бобларидан сабоқ беришяпти. Мусиқа мактаби ўқувчиларининг маданият уйлари, коллежларда, мактабларда турли байрам тадбирларидаги чиқишлари барчани қувонтирмоқда.

Суратда: (чапдан) устоз Эгамберди Жўраев шоғирлар билан машғулот пайтида.

Тўғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

Кеча мамлакатимизда Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун кенг нишонланди

Темурийлар сулоласида фарзанд тарбияси

Ўзининг улкан давлатчилик салоҳияти ва иқтидори билан Мовароуннахр тўпроғида буюк салтанат барпо этиб, унинг сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий таъмоилларини ишлаб чиққан соҳибқирон Амир Темур жаҳмиёт тарихида ушбу салтанат пойдевори барқарор бўлишига ва авлодлар томонидан авайлаб-ардоқланишини орзу қилганди. У ана шу масъулиятли вазифада, аввало, ёш авлодга катта умид боғлаган, унга ишонган. Бунга мисол қилиб, биринчи навбатда Соҳибқирон авлодларининг халқимиз тарихида қолдирган шавкатли изларини келтириш мумкин.

Амир Темур ўғиллари ва невараларини ёшлик чоғидан бошлаб салтанат масъулиятини ўз зимма-

сига ола биладиган шахс бўлиб етишмоғи учун ҳаракат қилган, уларга энг оғир вазифаларни ишониб топширган. Чунинчи, ҳижрий 776 (милодий 1375) йили Жатага қилган юриши чоғида лашкарнинг энг масъулиятли саналими манлай қисминини бошқаришни ўғли Жаҳонгир Мирзога топширган. Бу шахзода ғанимлар устига лашкар тортиб, баҳодирлик санъатини намойиш этган, марди майдон бўлиб жанг қилган ва ғалаба қозongan. Ўша пайтда у бор-йўғи ўн тўққиз ёшда эди.

Амир Темурнинг иккинчи ўғли Мирзо Умаршайх ўн тўрт ёшида — 1370 йили Балхда Амир Хусайн билан бўлган жангда қатнашган, душман билан юзма-юз жанг олиб борган. Соҳибқирон салтанати тарихини унинг ҳаётлик чоғида ёзиб бор-

ган тарихчи Низомиддин Шомий «Зафарнома» асарида бу воқеани қуйидагича ҳикоя қилади:

Ҳижрий 789 (милодий 1387) йили Амир Темурнинг ғарбий ўлкаларга юриши чоғида Дашти Қипчоқдан Тўхтамышонинг Бекбўрқ ва бошқа саркардалар бошчилигидаги катта лашкари фурсатни ғанимат билиб, Мовароуннахрга бостириб келади ва бу фитнага Мўғулистондан Анко Туро ҳам ўз лашкари билан қўшилиди. Мирзо Умаршайх ўша вақтда Андижонда эди. У ҳеч бир саросимага тушмасдан ёв билан қайта-қайта жангга киришди, мисли қурилима-ни қарамонлики сифатларини намойиш этиб, ғалаба қозонади.

Соҳибқирон Амир Темур

учинчи ўғли Мироншоҳни 1380 йили ўша пайтда энг катта вилоят саналган Хўросон ўлкасини бошқаришга тайинлайди. Шаҳзода ўшанда энди ўн тўрт ёшга тўлган бўлиб, кейинроқ, аниқроғи, 1393 йили Эрон-заминга ҳукмдор қилиб белгиланган.

Мирзо Шоҳрух ҳазрат соҳибқироннинг кенжа ўғли, унинг вафотидан кейин те-мурийлар давлатини катта салоҳият ва тадбир билан бошқарган йирик давлат ар-боби эканлиги тарихдан маълум. У ўн етти ёшдаёқ жанговар ҳаракатларда қатнашган, Амир Темур лашка-рининг илғор, манглай ва жувангар қисмларини бошқарган. Соҳибқирон бу ўғлига 1396 йили Хўросон ўлкасини суворғол қилди.

«Ҳазрат Соҳибқироннинг туғри раъий тўртинчи иқтимида жойлашган Хўросон мамлакатини қўзи очилиғида саодатли шахзода (Мирзо Шоҳрух)га белгилашни тақозо этди. Шунга қўра Хўросон, Сеистон ва Мовандарон вилоятларини то Ферузқўча амирзода Шоҳрух бошқаришни буюрди. Донгдор амирлар ва саркардалардан Шахш Али Баҳодир, Хожи Сайфиддин, Ҳасан Жондор, Али тархон ва бошқаларни, хуллас, ҳар бир тумандан бир гуруҳ-

ни ажратиб, барчасини қўчи-риб ушбу шахзоданинг хизмати-га юборди», — деб ёзади бу ҳақда Шарофиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» асарида. Бу олий фармон ҳижрий 799 (милодий 1397) йили эълон қилинган ва Мирзо Шоҳрух ўша пайтда ўн тўққиз ёшда эди.

Соҳибқирон узоқ сафарларга, жумладан, 1391 йили Дашти Қипчоққа ва 1392 йили беш йиллик юришга кетганида Мовароуннахрни идора қилишни Мирзо Шоҳрухга буюриб, уни пойтахт Самарқандда қолдиргани яхши маълум. Бу ҳам унинг салтанат ишида ўз фарзандларига ишонганидан далолат беради. Амир Темур нафари-нинг илғор, манглай ва жувангар қисмларини бошқарган. Соҳибқирон бу ўғлига 1396 йили Хўросон ўлкасини суворғол қилди.

«Ҳазрат Соҳибқироннинг туғри раъий тўртинчи иқтимида жойлашган Хўросон мамлакатини қўзи очилиғида саодатли шахзода (Мирзо Шоҳрух)га белгилашни тақозо этди. Шунга қўра Хўросон, Сеистон ва Мовандарон вилоятларини то Ферузқўча амирзода Шоҳрух бошқаришни буюрди. Донгдор амирлар ва саркардалардан Шахш Али Баҳодир, Хожи Сайфиддин, Ҳасан Жондор, Али тархон ва бошқаларни, хуллас, ҳар бир тумандан бир гуруҳ-

тантаналарда Мовароуннахрдан шарқда жойлашган ўз тасарруфидидаги худудларни неваралари Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султонга суворғол қилади. Ўша пайтда амирзодалар эндигина ўн ёшга тўлган эдилар. Мирзо Шоҳрух теурийлар тахтига ўтирганида, 1410 йили Улуғбекни Мовароуннахр ва ундан шарқдаги вилоятларнинг ҳукмдори этиб тайинлади. Улуғбек ўша кезларда ўн беш ёшда эди. Ҳокимиятини бошқарган теурий шахзодалар ичиди энг ёши Заҳириддин Бобур бўлиб, у XV асрнинг охириги ўн йиллигида, аниқроғи, 1494 йили ўн икки ёшда Фарғона ҳукмдори сифатида тахтга ўтирди ва ўн тўрт ёшда пойтахт Самарқандни бошқаради.

Соҳибқирон ўз авлодларининг нафақат давлатдорлик иқтидорини оширишга, балки уларнинг билим соҳиб бўлишига, маънавий қамолоти-га ҳам катта эътибор билан қараган. Шу боис бўлас керак, айрим теурий шахзодалар илм-фан соҳасида юксак иқтидор ҳосил қилиб, катта шухрат қозонганлар. Жумладан, фалакит-ёт илмининг асосчиларидан бўлмиш Мирзо Улуғбекнинг етук салоҳияти ва фанни ривожлантиришдаги хизматлари айниқса, катта шухрат

топди. Унинг ўша пайтда Самарқандда эришган илмий муваффақиятлари кейинчалик Шарқ ва Ғарбда илм-фан ривож учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ўз даврида соҳибқирон Амир Темур хусниҳат санъати ривожига асос солган бўлиб, Теурий шахзодаларнинг кўпчилиги аҳойиб хусниҳат соҳиблари бўлганлар. Хусусан, XV асрда Мирзо Шоҳрух салтанатида Хирот, Шероз ва бошқа шахарларда, Хусайн Бойқаро ҳукмдорлиги ва Алишер Навоий ҳомийлигида Хиротда китобат санъати раванқ топди. Теурий ўқуворлар ёзув маданияти ривожига ҳомийлик қилибгина қолмай, ўзлари ҳам бу соҳада талайгина ёзма мерос қолдирганлар. Жумладан, Иброҳим Султон олти хил хат услубини мукамал эгаллаган аҳойиб қалам эгаси саналган. У Шероз ва атроф вилоятлар ҳокими эди.

Шарофиддин Али Яздий машҳур «Зафарнома» асарини бевосита Иброҳим Султон ҳомийлиги остида ёзган. Тарихчи ушбу асарда Иброҳим Султоннинг сифатларини тавсифлар экан, унинг китобат илмидаги маҳорати хусусида сўз юритиб, хусниҳат

унинг хулқ дафтаридан бир боб эканини алоҳида таъкидлаб ўтган. Ушбу сўзлардан маълум бўладики, Иброҳим Султон китобат бобида юксак савияга эришган ҳамда Қуръони карим нусхалари, турли китоблар, тўпламлар, шажара ва астрономик зижларни фасоҳат билан қўчирган. Иброҳим Султон қалами билан ёзилган айрим хат намуналари Шероздаги осори-атикаларда ҳозиргача сақланиб келмоқда.

Теурийлар даврида ёзув маданиятига сезиларли ҳисса қўшган яна бир теурий шахзода — Мирзо Шоҳрухнинг ўғли Мирзо Бойсунғур эди. Бу шахзоданинг китобат санъати-га қўшган ҳиссаси беқўёс-дир. Унинг ҳомийлигида Хиротда хаттотлик, нақш, лавҳа, расм, миниатюра ва бошқа санъатлар юксак даражада ривожланди, кўп-лаб китоблардан гўзал хусниҳат билан нусхалар қўчирилди. Унинг хаттотлик соҳасидаги қалами, айниқса, сулс хат услубида беизир эди. Шахзо-данинг бошчилигида Хирот хаттотлик мактаби шаклланди ва ундан жуда кўп моҳир хаттотлар етишиб чиқди.

Теурий шахзодалардан яна бири — Султон Хусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамон Мирзо ҳам бир неча хатда, айниқса, наастайлик ёзувида

етук маҳорат соҳиб эди. Теурийлар даври китобат санъатининг узвий давоми Заҳириддин Мухаммад Бобур томонидан яратилган ва бобурий хат номи билан танилган махсус хатда ўз аксини топди. Мазкур хат Бобур томонидан жорий қилинган бўлиб, унда араб алифбосининг ҳарфлари кўпроқ туркий тил қоидаларига мослаштирилган ва бир мунча соддалаштирилган. Бобур Ушбу мазкур хат хусусида ўзининг машҳур «Бобурнома» асарида ҳижрий 910 (милодий 1504) йил воқеалари баёнида «ушбу маҳалларда бобурий хатни иктиро қилдим», деб ёзади.

Юқоридakilардан ҳам маълум бўладики, соҳибқирон Амир Темур ёш авлоднинг ривожланишига алоҳида эътибор билан қараган, улардаги иқтидор ва қобилиятнинг камол топиши учун ҳар томонлама қўмагини аямган. Бунинг натижаси ўлароқ, теурийлар салтанатида илм-фан ва маданият юксак даражада ривожланди ва ўзига хос ренессанс даври даражасига кўтарилди.

Омонullo БҮРИЕВ, ЎЗР ФА Шарқшунос-лик институти етакчи илмий ходими.

Меҳрибонлик уйидаги учрашув

Ҳар йили ИИБ академиясининг 4-курс тингловчилари аънага мувофиқ битириш арафасида иш ўрганиш амалиётини ўтайдилар. Бундан кўзланган мақсад эса бўлажак ИИБ ходимларини эгаллаган наза-рий билимларини амалиётда қўллашга ўргатиш, уларда танлаган касбга ҳурмат, ишга масъу-лият билан ёндашиш ҳиссини шакллантиришдан иборат. Айни пайтда барча вилоятларда ана шу жараён кечмоқда. Жумладан, ИИБ академиясининг 18 нафар битирувчиси Наманган шахар ИИБда амалиётни бошлашди.

Бу жараёнда касбий билимларни амалиётда қўллашни ўрганиш билан чекланиб қол-май, давра суҳбатлари ва ижтимоий-сиёсий, маънавий аҳамиятга молик тадбирлар ўтказиш ҳам режалаштирилган. Даставвал тингловчиларнинг ота-оналари ва вилоят ИИБ раҳ-бар-ҳодимлари иштирокида уч-

рашув бўлиб ўтганди. Яқинда эса тингловчилар ўзига хос ташаббус билан қишди. Улар Ёшлар йили муносабати билан вилоят марказидаги 26-сонли Меҳрибонлик уйида бўлишиб, тарбияланувчиларга ўзлари таҳсил олаётган ўқув маскани ҳаёти ва ўқув жараё-ни ҳақида батафсил сўзлаб беришди. Шунингдек, учрашув давомида жинойятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг хунук оқибатлари, ҳар хил иллатлар-дан йироқ юриш ҳар бир ўсмир учун ёрқин келахакни таъминлаш кафолати эканли-ги тўғрисида ҳам фикр-муло-ҳаза юритилди.

Тадбир сўнггида ИИБ ходим-лари тарбияланувчиларга қўлланма ва адабиётлар, спорт анжомлари, ўқув қуроллари тўхфа қилишди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбир

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Хуқуқий маданият мезони

Фуқаролик жамиятига асосланган хуқуқий демократик давлат барпо этишнинг асосий воситаларидан бири — аҳолининг хуқуқий саводхонлиги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришдан иборатдир.

Республика Адлия вазирлиги, Олий суди, Олий ҳўхалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида «Хуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш муаммолари ва ечими» мавзусида бўлиб ўтган семинарда ёшларнинг хуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш масалалари қўриб чиқилди.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар ва идоралар, илмий муассасалар ва олий ўқув юртли вакиллари, хуқуқшунос олимлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган маз-

«Биз — бир жамоамиз!»

Урганч шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармалари ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида шу номда ёшлар акцияси ўтказилди.

«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази иқтидорли йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ёшларнинг мамлакат иқтисодий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаоллигини оширишга ҳисса қўшиб келмоқда. Марказнинг Хоразм вилояти бўлимида қарийб 500 нафар йигит-қиз «Маданият ва санъат», «Ёшлар матбуот маркази», «Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш», «Ахборот технологиялари», «Интеллектуал клублар ассоциацияси», «Таълим», «Ёшлар туризми ва сервис», «Халқаро ёшлар ҳамкорлиги» каби йўналишларда янги лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

— Акция доирасида Урганч иқтисодиёт коллежида, Урганч давлат университети қошидаги 2-сонли академик лицейда ўқув-тренинглар, интерфаол машғулотлар бўлиб ўтди, — дейди «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлими координатори Жасур Жуманиёзов. — Мазкур акцияда ёшлардан вақтдан унумли фойдаланиш, тезкор ва тўғри қарор қабул қилиш қўникмаларини шакллантиришга асосий эътибор қаратилди. Марказнинг ҳудудлардаги бўлимлари ишлари янада фаоллаштиришга доир янги таклиф ва лойиҳалар ўрганилди.

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотларни жорий таъмирлаш учун пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

- Лот 1-1. Денов туманидаги 640 ўқувчи ўринли 27-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
- Иншоотнинг бошланғич нархи — 45,454 млн. сўм, қурилиш муддати — 42 кун.
- Лот 1-2. Денов туманидаги 640 ўқувчи ўринли 28-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
- Иншоотнинг бошланғич нархи — 48,373 млн. сўм, қурилиш муддати — 42 кун.
- Лот 1-3. Денов туманидаги 580 ўқувчи ўринли 46-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
- Иншоотнинг бошланғич нархи — 33,364 млн. сўм, қурилиш муддати — 35 кун.
- Лот 1-4. Денов туманидаги 540 ўқувчи ўринли 72-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
- Иншоотнинг бошланғич нархи — 31,738 млн. сўм, қурилиш муддати — 35 кун.
- Лот 1-5. Денов туманидаги 540 ўқувчи ўринли 86-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
- Иншоотнинг бошланғич нархи — 46,377 млн. сўм, қурилиш муддати — 37 кун.
- Лот 2-1. Термиз шаҳридаги 1500 ўқувчи ўринли 7-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
- Иншоотнинг бошланғич нархи — 96,163 млн. сўм, қурилиш муддати — 56 кун.
- Лот 2-2. Термиз шаҳридаги 1050 ўқувчи ўринли 10-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
- Иншоотнинг бошланғич нархи — 72,032 млн. сўм, қурилиш муддати — 44 кун.
- Лот 2-3. Жарқўрғон туманидаги 624 ўқувчи ўринли 41-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
- Иншоотнинг бошланғич нархи — 44,955 млн. сўм, қурилиш муддати — 39 кун.
- Лот 2-4. Қизириқ туманидаги 524 ўқувчи ўринли 42-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
- Иншоотнинг бошланғич нархи — 37,983 млн. сўм, қурилиш муддати — 38 кун.
- Лот 2-5. Қумқўрғон туманидаги 640 ўқувчи ўринли 1-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
- Иншоотнинг бошланғич нархи — 50,539 млн. сўм, қурилиш муддати — 40 кун.
- Лот 2-6. Қумқўрғон туманидаги 510 ўқувчи ўринли 16-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
- Иншоотнинг бошланғич нархи — 39,519 млн. сўм, қурилиш муддати — 38 кун.
- Буюртмачи: Сурхондарё вилояти Халқ таълими бошқармаси.
- Манзил: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 15-уй. Тел/факс: 227-35-51, 227-26-23.
- Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Мактаб таълимини ривожлантириш Республика жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотлар қурилиши учун пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича қайта очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

1. Термиз туманидаги 320 ўқувчи ўринли 24-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.
- Бошланғич нархи — 71,765 млн. сўм.
2. Ўзун туманидаги 844 ўқувчи ўринли 28-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.
- Бошланғич нархи — 176,975 млн. сўм.
- Иншоотларнинг қурилиш муддати — 2008 йил 1 август.
- Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
- Манзил: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.
- Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилояти ҳоқимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Республика Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
- Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларини беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
- Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектур» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нахрларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй.
Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.
Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 5-уйда ўтказилади.

лари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларини беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектур» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нахрларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

XORIJDA

Биринчи ташриф

9 апрель куни Россияга илк бор ташриф буюрган БМТ бош котиби Пан Ги Мун Яқин Шарқ, Абхазия ва бошқа низоли нукталардаги вазиятни муҳокама этади, деб хабар беради РИА Новости.

Учрашув давомида у Президент Владимир Путин ва янги сайланган президент Дмитрий Медведев билан учрашади. Ташрифдан олдин берган интервьюсида у БМТ фаолияти ва халқаро ҳафсизлиқни таъминлашда Россия катта роль ўйнашини алоҳида таъкидлади.

Ливан масаласи муҳокама этилди

Саудия Арабистони қироли Абдулла бин Абдул Азиз ва Миср президенти Хусни Муборак чоршанба куни Ливандаги сиёсий тангликни муҳокама этди, деб хабар беради МЕНА агентлиги. Учрашувда томонлар Ливандаги ҳозирги вазият, амалдаги ҳукумат ва муҳолифат ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этиш йўллари бўйича араб давлатлари ташқи ишлар вазирларининг навбатдан ташқари йиғилишини



ўтказиш масалалари муҳокама этилди.

Эслатиб ўтамыз, бир неча ойдан бери оғир сиёсий вазиятни бошдан кечираватган Ливан араб давлатлари Лигасининг яқинда бўлиб ўтган самлар Ливандаги ҳозирги вазият, амалдаги ҳукумат ва муҳолифат ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этиш йўллари бўйича араб давлатлари ташқи ишлар вазирларининг навбатдан ташқари йиғилишини

Янги тахмин

улар одамларни даволаш хусусиятига эга». Олимлар Стоунхеддан унча узоқ бўлмаган жойда қабр топишган, шундай фикрга келишди. Бу ерга қўпична ногиронлар келиб турган. Шу муносабат билан ҳукумат сўнгги 40 йилда биринчи марта янги археологик тадқиқот ўтказишга рухсат берди. Аммо тадқиқот 11 кундан ортқ давом этмаслиги керак. Шунингдек, қазил ишларининг чуқурлиги бир метр, узунлиги уч метр, кенглиги икки ярим метрдан ошмаслиги бел-

гиланган. Эслатиб ўтамыз, мазкур кадимий обидани томоша қилиш учун йилга миллионлаб саёатчилар ташриф буюради.



Республика Акциядорлик тижорат банки «ҒАЛЛАБАНК»: Ишонч ва кафолат

Мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларида бири ҳисобланган республика акциядорлик тижорат банки «Ғаллабанк»нинг миқозларига барча турдаги хизматларни қўрсатиш доираси йил сайин кенгайиб, сифати яхшиланиб бормоқда. Айниқса, аҳолига таклиф этаётган турли омонатлар бўйича хизматлари кенг ривожланаяпти. Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш асосида банк томонидан икки муҳим вазифа бажарилишига эришилмоқда. Биринчидан, банк аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга ёки банк айланмасига жалб этиш орқали ўз активлари ҳажмини қўпайтириш учун ресурс базасини мустаҳкамлаётган бўлса, иккинчи томондан, аҳолига ўзаро манфаатли омонат турларини таклиф этиш ҳамда омонатлар бўйича келишилган шартларни бажариш йўли билан аҳоли ўрта-сида банкка бўлган ишончини ошириш асосида доимий ҳамкорларга эга бўлиб бораётган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада дастуриламал бўлмоқда. Зеро, мазкур Фармон аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш учун ресурс базасини мустаҳкамлаётган бўлса, иккинчи томондан, аҳолига ўзаро манфаатли омонат турларини таклиф этиш ҳамда омонатлар бўйича келишилган шартларни бажариш йўли билан аҳоли ўрта-сида банкка бўлган ишончини ошириш асосида доимий ҳамкорларга эга бўлиб бораётган.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, «Ғаллабанк» томонидан аввало, уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, яратилаётган имкониятларни тушунтириш ҳамда манфаатли омонат турларини жорий қилиш мақсадида алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди, банкнинг барча филиалларида алоҳида ўқув семинарлари ташкил қилинди. Банкнинг барча мутахассислари, аввало аҳолига омонатлар ва бошқа турдаги чакана хизматлар қўрсатиш билан шуғулланувчи масъул хо-

димлари томонидан «Банк сири» қондасига қатъий риоя этишлари юзасидан тегишли тадбирлар қўрилмоқда.

Аҳолининг банк омонатларига қизиқишларини ошириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этишни янада фаоллаштириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври давомида банк томонидан миллий ва хорижий валютадаги ўнча яқин янги омонатлар амалиётга жорий қилинди. Март ойидан бошлаб эса 6 та муддатли, «Қалдирғоч», «Навбахор», узоқ муддатли «Диёр», «Маржон», «Бегубор», «Барҳаёт» каби омонат турларини таклиф эт-

моқда. Ҳозирда банкнинг 20 га яқин миллий валютада ва 3 та АҚШ долларларида 3 ойлик йиллик 3.6 фоиз, 6 ойлик 5 фоиз, 12 ойлик 6 фоиз устама тўлаш шарти билан омонатларга маблағлар доимий қабул қилинмоқда.

Ўз навбатида, омонатлар билан боғлиқ банк амалларини бажаришда барча филиаллар, мини-банклар, жамғарма шохобчаларида ташкил этилган ишлар, банк ходимларининг ишга муносабатлари хусусида аҳолидан тушадиган мурожаатларни қабул қилувчи «Ишонч телефонлар»и ташкил этилди.

«Ғаллабанк» минтақавий филиаллари «Ишонч телефонлари»:

Қорақалпоғистон минтақавий филиали	(8-361) 223-72-61 223-72-46
Андижон вилояти минтақавий филиали	(8-374) 222-23-67 222-23-72
Бухоро вилояти минтақавий филиали	(8-365) 223-92-21 223-99-29
Жиззах вилояти минтақавий филиали	(8-372) 226-28-63
Қашқадарё вилояти минтақавий филиали	(8-375) 223-05-01 223-10-66
Навоий вилояти минтақавий филиали	(8-436) 222-98-81 224-00-85
Наманган вилояти минтақавий филиали	(8-369) 226-86-63 226-44-99
Самарқанд вилояти минтақавий филиали	(8-366) 221-61-33 221-57-55
Сурхондарё вилояти минтақавий филиали	(8-376) 227-27-67 224-00-40
Сирдарё вилояти минтақавий филиали	(8-367) 225-18-49 225-19-35
Фарғона вилояти минтақавий филиали	(8-373) 222-58-27 222-40-25
Хоразм вилояти минтақавий филиали	(8-362) 227-20-33 227-26-98
Тошкент вилояти минтақавий филиали	(8-371) 236-05-99 232-44-09
Тошкент шаҳар минтақавий филиали	(8-371) 232-16-55 236-26-57

«ҒАЛЛАБАНК» ҳамюртларимизга қуйидаги юқори фоизли янги омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади:

- «Qaldirg'och» — 1 ой (йиллик 28%)
- «Navbahor» — 3 ой (йиллик 28%)
- «Beg'ubor» — 12 ой (йиллик 26%)
- «Marjon» — 14 ой (йиллик 22%)
- «Barhayot» — 18 ой (йиллик 20%)
- «Diyor» — 24 ой (йиллик 18%)

Мазкур омонат турларига ҳисобланган фоиз даромадларининг ҳар ойда тўлаб берилиши кафолатланади.

Омонатлар жорий йилнинг 1 майига қадар қабул қилинади.

Омонатлар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланади

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

Маълумот учун телефонлар:
233-71-72, 236-74-30,
233-98-80.

Бадий гимнастика мактаби

болаларнинг сеvimли жойига, саломатлик, нафосат ва гўзаллик масканига айланмоқда

Мирзачўл — Жиззах вилоятининг чекка, қўшни Қозоғистон Республикаси билан чегарадош тумани бўлиб, ҳозир бу ҳудудда қирқ минг нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 16400 нафарини ўн етти ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Қизалоқларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда ўтган йили туманда Бадий гимнастика мактаби очилган эди.

— Мактабимизда зарур шарт-шароитлар, ҳамма имкониятлар яратилган, — дейди мураббий Гулчеҳра Нурбоева. — 50 нафар қизларимиз машғулотларда иштиёқ билан иштирок этаётти. Уларнинг орасида умидли, иқтидорли ёшларнинг кўпчилиги бизни қувонтиради.

— Телевизорда бадий гимнастика қизларни кўрганимда уларга ҳавасим келарди. Қанийди, бизда ҳам шундай мактаб бўлса-ю мен

ҳам шу машқларни бажарсам, деб орзу қилардим, — дейди ўн ёшли Ирода Ашурбоева. — Мана бугун бизнинг туманимизда ҳам замонавий Бадий гимнастика мактаби очилди ва дўгонларим билан машғулотларга қатнаямиз. Катта-катта мусобақаларда қатнашишни орзу қилаялман.

Бугун чекка бир туманда кунт билан ўқи-ўрганаётган, маҳоратларини ошириб бораётган қизалоқлар орасидан келажда бадий гимнастика бўйича юрт шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган спорт усталари етишиб чиқишга тўла асос бор.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Суратларда: Бадий гимнастика мактабидидаги машғулотлардан лавҳалар.



Донгул Жўраева олган суратлар.

Тошкент давлат шарқшунослик институти

қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

1. Араб филологияси кафедраси, катта ўқувчи, 1 ўрин;
2. Туркий кафедраси, ўқувчи, 1 ўрин.
3. Инглиз тили (№1) кафедраси (филологлар учун), катта ўқувчи, 1 ўрин.
4. Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси, катта ўқувчи, 1 ўрин; ўқувчи, 1 ўрин.
5. Хитой филологияси кафедраси, ўқувчи, 1 ўрин.
6. Жисмоний тарбия кафедраси, ўқувчи, 1 ўрин.
7. Халқаро муносабатлар, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ кафедраси, катта ўқувчи, 1 ўрин; ўқувчи, 1 ўрин.
8. Исломишунослик кафедраси, ўқувчи, 1 ўрин.
9. Халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси, ўқувчи, 1 ўрин.
10. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари иқтисоди кафедраси, катта ўқувчи, 1 ўрин.
11. МДХ, Европа ва Америка мамлакатлари иқтисоди кафедраси, катта ўқувчи, 1 ўрин.
12. Жаҳон иқтисодиёти, маркетинг ва менежмент кафедраси, катта ўқувчи, 1 ўрин.
13. Узоқ Шарқ мамлакатлари иқтисоди кафедраси, ўқувчи, 1 ўрин.
14. Табиий фанлар, олий математика ва информатика кафедраси, ўқувчи, 1 ўрин.
15. Шарқ тиллари (араб тили) кафедраси, ўқувчи, 1 ўрин.
16. Герман тиллари (немис тили) кафедраси, катта ўқувчи, 1 ўрин.
17. Роман тиллари (француз тили) кафедраси, катта ўқувчи, 1 ўрин.
18. Инглиз тили (№2) кафедраси, катта ўқувчи, 1 ўрин.



Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

Ҳужжатлар:

1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан).
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари.
4. Илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

100060, Тошкент ш., Шахрисабз (Собит Лоҳутий) кўчаси, 25.
Тел.: 233-45-21, 233-44-36.

Уйғоқ хотира

Наманганда аънавий Ҳабиб Саъдуллахонлик кўнлари бўлиб ўтди

Ўзбекистон халқ шоири, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, оташнафас публицист ва жамоат арбоби Ҳабиб Саъдулла хотираси маънавий-маърифий тадбирлар доирасида яна бир бор ёд этилди. Худди ана шундай тадбирлар Нодира номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, Наманган агротадбиркорлик коллежи ва Поп туманидаги Маданият саройларида бўлиб ўтди.

Шунингдек, Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўтказилган назм ва наво кечаси «Баҳор билан суҳбат» деб номланди. Вилоят ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси вилоят бўлими ҳамда вилоят телерадиоканиси ҳамкорлигида ташкил этилган кечада Андижон ва Фарғонадан келган меҳмонлар ҳам иштирок этишди. Ўзбекистон халқ шоирлари Тулган Низом, Охунжон Ҳаким, адабиётшунос олим Алихон Халилбеков, Ўзбекистон халқ артисти Уринбой Нуралiev, шоирнинг яқин дўстлари, оила аъзолари, шогирдлари ва мухлисларининг эътиром изҳорларида хонанда-ю созандаларнинг наволари уланди.

(Ўз мухбиримиз.)

Мулоҳаза

Беҳаёеликнинг «сотка» усули

Яқин йилларда ҳаётимизга катта ангилик сифатида кириб келган уяли телефонлар энди жуда оддий, кундалик эҳтиёжга айланиб улгурди. Қўлимизда бу ҳақда аниқ статистика маълумот йўғу, лекин етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳамюртларимиз ундан фаол фойдаланаётгани бугуннинг оддий ҳақиқатидир. Албатта, унинг фойдали жиҳатлари кўпчилиги доим эътироф этилган. Шундай бўлса-да, ўзгариб турувчи феъл-атворимиз тизгинини баъзан қўлдан чиқариб қўётганимизни ҳам билмай қоляпмиз-да. Бундай ҳолатда энг мўъжизавий кашф бўлган энг хавфли душманга айланиб қолиши мумкин экан.

Уяли телефонлардан фойдаланиш энг зарур эҳтиёжга айланиб бориши баробарида бу мўъжизавий дастурнинг ҳар хил русумлари чиқиб турибди. Унда нафақат гаплашиш, балки турли ўйинлар ўйнаш, қўшиқ тинглаш, ҳатто, видеотасвирга олиш, бу суратларни бошқа телефонларга ўтказиш, интернетга улашиш ва ҳоказо хилма-хил амалларни бажариш мумкин.

Сизга кўнграқ бўлганида авваллари ёқимли мусиқа янгради. Бу усул ҳам такомиллашиб, энди ўзингиз ёқитириган қўшиқ ёки сўзлар билан сизни мулоқотга қақришди. Хуллас, ўзингиз истаган овозли ёки мусиқий ёзувни қақирив сигнални ўрнида телефонингизга жойлаштиришингиз мумкин. Бу ҳақда телевидение ва радио тинимсиз реклама бермоқда. Аммо ҳоҳида бу қақирив сигналлари орасида шунақанги бемаза сўзлар учраб қоладими, жамоат транспортида бўлсангизу ёнингизда аёлингиз, кинингиз, келиннингиз ёки умуман аёл киши турган бўлса, хижолатдан ерга кириб кетасиз. Те-

лефоннинг бефаросат эгасига эса бу сўзлар оддий ҳол. «Жонгинам, мен сизни соғиндим, нега келмаясиз, нега телефон қилмайсиз?», «Гўшакни олинг, яхши йигит!», «Жоним, асалим, менга жавоб беринг»... Булар ва биз сўзма-сўз ёзишга қўлимиз бормаидиган яна бир қанча беҳаё жумлалар қиз боланинг овозида фаҳш оҳангидида эркалиниш билан жаранглаб қоладики, йигиту қиздаги жоҳиллик қурбони бўлаётган ғурур ва фаросатнинг аросатда қолаётганига ачинасан, холос...

Энди яна бир ташвишли ҳолатга тўхталмасак бўлмас. Яъни бугунги кунда истаган фототасвир ёки видеоклипларни ҳам уяли телефонингизнинг мўъжазгина дисплейи (экрани)да бемалол томоша қилишингиз мумкин. Бир вақтлар ҳаётимизга видеомагнитофон ва қароқчи-видеокассеталар кириб келганида бундай «мафқуравий таҳдид»лар бизни анча хавотирга солиб қўйган эди. Энди эса ёшлар маънавиятига таҳдиднинг «сотка» усули юзга келмоқда. Аввалига беҳаё фотосуратлар, кейин-кейин видеотасвирлар уяли телефон хотирасига жамлана бошланди. Интернетдан «қароқчилик» йўли билан ёзиб олинган фаҳш сахналари, ўғринча суратга олиниб, ўғринча тарқатилган қотиллик жараёнлари, табиий офатлару турли фалокатларда жон бераётган одамларнинг аянчли ҳолатлари, номусга тажовуз манзаралари, ноқонуний трансплантация (болаларнинг тана аъзоларини сотиш учун уларнинг баданларини ёриш) тасвирлари ва ҳоказо... Машҳур аёл хонандага ташқи кўриниши

бироз ўхшаб кетадиган чет эллик фоҳишанинг ишқий муносабатларининг шу хонанда суратлари ва қўшиғига уйғунлаштириб ишланган, ўхшамаган видеомонтажи эса бу хонанда ҳақидаги қанча-қанча яхши тасаввурларни қалғитиб юбориши шубҳасиз.

Бу каби беҳаёлик билан пул топаётган, ёшларимизнинг маънавий камолотига таҳдид солаётган кимсаларни ким деб аташ мумкин? Маданиятсизми, ориятсизми, бузғунчилиги?

Энди ўйланг, миттигина уяли телефонингиз доим ёнингизда. Уни оғзингиз ва қўлингизга тез-тез тутасиз. Ҳар тонг фариталар ташриф буюрадиган файзли хонадонингизга олиб кирасиз. Озгина уяти, орияти бор одам бунга йўл қўймайди албатта. Ёки телефонингиз аёлингиз, опа-сингилнингиз, болаларингиз қўлига тушиб қолишини ўйламайсизми?!

Кишини, айниқса, ёшларни тубанликка тортувчи бундай ҳаракатларга қарши курашишни ўзингизнинг уяли телефонингиз хотирасидаги (агар бор бўлса) бу каби тасвир ва овозли ёзувларни ўчириб ташлашдан бошласангиз тўғри бўлади деб ўйлаймиз. Тарихда ҳам, эртакларда ҳам эзгулик доим ғолиб келган. Зеро, инсоннинг энг катта душманларидан бири, шубҳасиз, бепарволикдир.

Қувондиқ СИДДИҚОВ,
журналист.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ижроия маҳкамаси Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан 2003 йил 8 сентябрда Зайнитдинов Ходжаакбар Шамсидинович номига берилган реестр рақами 4-166 билан рўйхатдан ўтказилган Ҳамза тумани, С.Машҳадий кўчаси, 186а-уй Давлат кадастри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Давлат-тижорат

ХАЛҚ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талаблари ижросини таъминлаш йўлида навбатдаги янги, миллий ва хорижий валютадаги

«ТАҚДИМ ЭТУВЧИ»

омонат турини таклиф этади:

— миллий валютадаги «ТАҚДИМ ЭТУВЧИ» омонатига аҳоли пул маблағлари 3, 6, 9 ва 12 ой муддатга, йиллик 30 фоиз даромад тўлаш шarti билан чекланмаган миқдорда;

— хорижий валютадаги «ТАҚДИМ ЭТУВЧИ» омонат турига маблағлар 6, 9 ва 12 ой муддатга йиллик 6 фоиз даромад тўлаш шarti билан нақд валютада ва хорижий банклардаги маблағларингизни чекланмаган миқдорда нақд пулсиз ўтказиш йўли билан Халқ банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.

Омонатингиз ҳақидаги маълумотнинг сир сақланиши ҳамда маблағларингизнинг ҳисобланган фоиз даромадлари билан биринчи мурожаатингиз бўйича берилиши таъминланади.

Халқ банкига аҳоли омонатларининг дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!

Хизматлар лицензияланган.



BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afar HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihdin MUHIDDINOV
Nomoza SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti
233-10-13
Madaniyat va sport
233-69-45,
(Tel. Fakst) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
233-12-56
Mas'ul kotib
233-72-83,
236-55-17
Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-22-32
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-15
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Denovda —
8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349

12869 nussada bosildi

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda